

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРЗОЕВ ЖАВОҲИР БАХОДИРОВИЧ

**ГЕМОРРАГИК ИНСУЛЬТДА ИККИЛАМЧИ ИШЕМИЯ:
САБАБЛАРИ, ДИАГНОСТИК МЕТОДЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ
ВА ФАРМАКОКОРРЕКЦИЯ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Мирзоев Жавохир Баходирович

Геморрагик инсултда иккиламчи ишемия: сабаблари, диагностик методларнинг ўзига хослиги ва фармакокоррекция 3

Мирзоев Жавохир Баходирович

Вторичная ишемия при геморрагическом инсульте: причины возникновения, особенности методов диагностики и фармакокоррекции 24

Mirzoev Javokhir Bahodirovich

Secondary ischemia in hemorrhagic stroke: causes, features of diagnostic methods and pharmacological correction..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРЗОЕВ ЖАВОҲИР БАХОДИРОВИЧ

**ГЕМОМРАГИК ИНСУЛЬТДА ИККИЛАМЧИ ИШЕМИЯ:
САБАБЛАРИ, ДИАГНОСТИК МЕТОДЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ
ВА ФАРМАКОКОРРЕКЦИЯ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib647 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.tipme.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимбаева Гулнора Саттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маджидова Якутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А.Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бош миёда қон айланишининг ўткир бузилиши ичида геморрагик инсулт жиддий неврологик асоратларга олиб келиши, жарроҳлик ёки консерватив даводан бирини танлаш кераклиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...дунё бўйича 2030 йилга келиб инсулт сабабли ўлим ҳолатларининг ўсиши, ушбу эпидемия билан курашиш бўйича фаол глобал чоралар кўрилмаса, 7,8 миллионга етиши маълум қилинмоқда»¹. Субарахноидал қон қуйилиши нотравматик бош мия қон қуйилишининг ярмини ташкил қилиб, аҳолининг, асосан, фаол ва меҳнатга лаёқатли бўлган қисми ушбу касалликка чалинади. Касалликнинг дастлабки соатларидан унинг кечишини назорат қилиш, ўз вақтида адекват даво режасини тайинлаш, инсулт натижасида ўлим ва ногиронлик ҳолатларини камайтириш муҳим тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда геморрагик инсултни ташхислаш ва даволаш чора-тадбирлари самарадорлигини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада геморрагик инсултнинг ўткир даврида юзага келадиган иккиламчи ишемияни эрта ташхислаш, клиник-неврологик хусусиятларини баҳолаш, гиподенс соҳани дифференциал қиёслаш, диагностика усулларини такомиллаштириш, фармакотерапиясини клиник-нейровизуал кўрсаткичларга асосланиб оптималлаштириш, даволашда самарасиз натижалар сабабларини аниқлаш, даволаш усулларига замонавий ёндашиш ҳамда беморларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олишга анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Геморрагик инсултнинг ўткир даврида юзага келадиган иккиламчи ишемиянинг диагностика ва даво чораларини такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва турларини сезиларли кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»² га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда инсулт билан хасталанган беморларга тиббий-ижтимоий ёрдам

¹World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <https://www.who.int/world-health-day/2017/en/>, 2017

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

кўрсатиш тўлақонлигини ошириш, ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни кўллаш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3052-сон «Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Геморрагик инсультнинг ўткир даврида юзага келган иккиламчи ишемиянинг сабаблари, клиник жиҳатлари, ташхислаш ва даво усулларини аниқлашга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар бажарилган. Ўтказилган тадқиқотлар ўткир геморрагик инсультли беморларнинг бир қисмида перифокал церебрал ишемиянинг ривожланиши, оғир аҳволдаги беморни янада оғирлаштирганлиги ва эрта (30 кунгача) ўлим кўрсаткичини оширганлигини кўрсатган (Broderick J.P. et al., 2013; Purroy Garcia F. et al., 2015). Нейровизуализациянинг замонавий усуллари (МСКТ, МРТ турли режимларда) орқали мия ичи қон қуйилишида ривожланган иккиламчи ишемиянинг эрта диагностикаси янада оптималлаштирилган (Olivot J.M. et al., 2010; Wu W.C. et al., 2013). Ўткир қон қуйилиши мавжудлигини аниқлаш билан бирга лейкоареоз, сурункали гематомалар, микроаневризмалар, микрогеморрагия ва ишемик ўчоқларни аниқлаш мумкин бўлиб, улар орқали асосий касалликнинг этиологияси ва оғирлик даражаси тўлиқ баҳоланган (Крилов В.В., Петриков С.С., Солодов А.А., 2013). МРТнинг диагностик имкониятларини ўрганиш бўйича сўнгги тадқиқотларнинг бир нечтасида бирламчи мия ичи қон қуйилиши ташхисида диффуз-ўлчамли тасвир орқали топографик жиҳатдан узокда жойлашган ишемик шикастланишларнинг кенг тарқалганлиги аниқланган (Крилов В.В., Гусев С.А., Титова Г.П., 2013). Бироқ улар асосида ётган механизмлар, вақт давомийлиги ва ушбу шикастланишларнинг аҳамияти яхши ўрганилмаган. Бош мия тўқимасида геморрагик ва ишемик ўзгаришларнинг биргаликда намоён бўлиши, яъни уларнинг комбинациясини кўрсатувчи шикастланиш ўчоқларининг мавжудлиги нейровизуал тасдиқлангач, клиницист олдида уларнинг келиб чиқишини баҳолаш ва терапевтик чоралар кўриш вазифаси туради. Аралаш инсульт, ишемик инсультнинг геморрагик трансформацияси (спонтан ёки тромболитик ёки антикоагулянт ва антиагрегант терапиянинг асоратлари натижасида), кейинчалик ишемик ўчоқ ривожланмайдиган

перигематом ҳудуднинг шишиши ёки геморрагик инсулт жараёнида ривожланган иккиламчи ишемия бўлиши аниқланган (Никитин А.С. ва ҳаммуал., 2018).

Мамлакатимизда геморрагик инсултни ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган қатор илмий ишлар олиб борилган, жумладан, геморрагик инсултда бош миянинг локал яллиғланиш реакциялари ва баъзи бир биокимёвий кўрсаткичлар (азот оксиди токсик маҳсулотлари ва нейротрансмиттер аминокислоталар) ҳолати аниқланган, бу касалликда яллиғланишга қарши ностероид дори востиларининг самарадорлиги баҳоланган, даволашда янги комплекс патогенетик даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Асадуллаев М.М., Саидвалиев Ф.С., 2007). Цереброваскуляр касалликларнинг тахминан 20% ини субарахноидал ва мия ичи (паренхиматоз) қон қуйилиши ташкил этади. Субарахноидал қон қуйилиши нотравматик бош мия қон қуйилишининг ярмини ташкил қилиши ва, асосан, аҳолининг фаол ва меҳнатга лаёқатли 40 ёшдан 65 ёшгача бўлган қисми касалликка чалиниши аниқланган (Гафуров Б.Г., 2009). Церебрал вазоспазм оқибатида юзага келадиган иккиламчи ишемик шикастланишларни эрта аниқлаш мақсадида нотравматик субарахноидал қон қуйилишида перфузион компьютер томографияси бажарилган ва бу орқали миянинг қон оқими ҳолати, касалликнинг кечиши назорат қилинган, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган ишемик асоратлар аниқланган (Хусанходжаев Ж.У., Арифджанов Ш.Х., 2015).

Ҳозир кунда геморрагик инсултнинг ўткир даврида юзага келадиган иккиламчи ишемиянинг учраши юқорилиги ва унинг самарали даво чоралари йўқлиги замонавий неврологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Геморрагик инсултда иккиламчи ишемиянинг юзага келиш сабабларини эрта аниқлаш, қулай диагностик методлари ҳамда даво чораларини ишлаб чиқиш ва ушбу касаллик оқибатида келиб чиқадиган жиддий неврологик асоратларнинг сезиларли даражада олдини олиш, шунингдек, ўлим ва ногиронликнинг камайшига олиб келади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ 01.15.00156 рақамли «Мигреннинг асоратли формалари, МНС ОИВ инфекцияси, ўткир ва сурункали цереброваскуляр касалликлар, деменциянинг клиник-неврологик, нейроиммунологик, генетик, патобиохимик, невровизуалогик хусусиятларини ўрганиш» (2015–2020) мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади геморрагик инсултнинг ўткир даврида юзага келадиган иккиламчи ишемиянинг диагностика ва даво чораларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

геморрагик инсултнинг ўткир даврида иккиламчи ишемия сабабларини аниқлаш;

инсульт-гематома атрофида ва ундан узоқда юзага келадиган патологик гиподенс соҳаларнинг ўзаро дифференцирланган тафовутини аниқлаш;

клиник-нейровизуал, доплерографик ва коагулологик хусусиятларини ўрганиш орқали геморрагик инсультда иккиламчи ишемияни мониторинг қилишнинг клиник-прогностик афзаллигини аниқлаш;

геморрагик инсультда иккиламчи ишемиянинг фармакокоррекция қилиш оптимал йўллари ишлаб чиқиш;

геморрагик инсультда иккиламчи ишемиянинг даволаш алгоритмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017–2019 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси I ва III клиникасининг интенсив неврология ва терапевтик реанимация бўлимларида даволанган 120 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб веноз қон зардоби, нейровизуализацион ва доплерографик текширувлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик, нейровизуализацион, доплерографик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

геморрагик инсультнинг ўткир даврида юзага келадиган иккиламчи ишемия ва церебрал вазоспазм орасида узвий боғлиқлик исботланган;

илк бор инсульт-гематома атрофида ва ундан узоқда юзага келадиган патологик гиподенс соҳаларнинг аҳамиятли дифференцирланган тафовути аниқланган;

геморрагик инсультда юзага келган иккиламчи ишемияни даволаш даврида мониторинг қилишнинг клиник-прогностик афзаллиги аниқланган;

илк бор клиник шкалаларга асосланган ҳолда асоратланган геморрагик инсульт фармакокоррекцияси иккиламчи ишемия оғирлик даражаси асосида оптималлаштирилган;

иккиламчи ишемия билан асоратланган геморрагик инсульт ўткир даврида медикаментоз терапия самарадорлигини комплекс баҳолашнинг прогностик мезонлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иккиламчи ишемия билан асоратланган геморрагик инсультли беморларни текшириш ва даволашга замонавий ёндашилган тактика ишлаб чиқилган ва даволашнинг мавжуд жадвали такомиллаштирилган;

клиник-неврологик, нейровизуализацион ва доплерографик усулларни қўллаш орқали патологик жараёни эрта аниқлаш йўллари аниқланган;

клиник-инструментал маълумотларга кўра иккиламчи церебрал ишемия билан асоратланган геморрагик инсультда беморларни даволаш усулини танлашда ҳар бир клиник ҳолат учун индивидуал ёндашув ишлаб чиқилган;

церебрал вазоспазмнинг оғирлик даражасини баҳолашда транскраниал доплерографияни қўллаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг

замонавийлиги, уларга замонавий компьютер технологиялари қўллаб ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий адабиётлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулосалар ва олинган натижалар исботланган тиббиёт тамойилларига асосланганлиги ва уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иккиламчи ишемия билан асоратланган геморрагик инсультда клиник-неврологик ва невровизуал хусусиятлар ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, инсульт-гематома атрофида гиподенс соҳа ривожланишининг муҳим патофизиологик механизмларини асослаш ҳамда илмий хулосалар бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган диагностик усулларни қўллаш орқали геморрагик инсультда юзага келадиган иккиламчи ишемияни эрта ташхислаш, ишемия даражаси ва беморнинг клиник-неврологик ҳолатидан келиб чиқиб даволашда индивидуал ёндашиш, шунингдек даволашнинг мавжуд жадвали такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иккиламчи ишемия билан асоратланган геморрагик инсультли беморларни даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишемик шикастланиш билан асоратланган мия ичи қон қуйилишларида диагностика ва даволаш самарадорлигини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Иккиламчи ишемия билан асоратланган мия ичи қон қуйилишида оптималлашган диагностика ва даволаш тактикаси» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 июндаги 8н-д/165-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома иккиламчи ишемия билан асоратланган геморрагик инсультни эрта ташхислаш, даволаш самарадорлигини яхшилаш имконини берган;

иккиламчи ишемия билан асоратланган мия ичи қон қуйилишида беморларни эрта ташхислашни оптималлаштириш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро ва Навоий филиалларида амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 ноябрдаги 8н-з/164-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари беморлар учун шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, мия ичи қон қуйилиши ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Геморрагик инсультда иккиламчи ишемия: сабаблари, диагностик методларининг ўзига хослиги ва фармакокоррекция (адабиётлар таҳлили)»** деб номланган биринчи бобида мия ичи қон қуйилишларини ташхислаш ва даволашда хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили асосида ушбу муаммонинг ҳозирги кундаги ҳолати батафсил таҳлил қилинган. Геморрагик инсультда (ГИ) юзага келадиган иккиламчи ишемиянинг (ИИ) сабаблари ва патогенези батафсил тавсифланган, ривожланиш механизми ҳақидаги илмий-амалий маълумотлар келтирилган, диагностикаси ва терапевтик ёндашувлар муҳокама қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топмаган ва аниқлаштиришни талаб этадиган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг **«Геморрагик инсульт билан касалланган беморлар неврологик ҳолатини комплекс баҳолаш усуллари ва клиник материаллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланган материал ва усуллар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотда ўткир геморрагик инсульт билан касалланган ва 2017–2019 йилларда ТТА клиникасида даволанган 120 нафар беморнинг комплекс клиник текширувлари натижалари таҳлили олинди. Беморларда ёш градацияси 31 ёшдан 91 ёшгача бўлиб, беморларнинг ўртача ёши – $62,6 \pm 0,9$ ёш бўлди. 120 нафар текширувдан ўтган беморлар орасида эркаклар 48,3% (58 нафар), аёллар 51,7% ни (62 нафар) ташкил этди.

Текширувга беморларни киритишнинг асосий мезонлари нейровизуалогик текшириш усуллари билан тасдиқланган бош мияда қон айланишининг геморрагик турдаги ўткир бузилиши – мия ичи қон қуйилиши (паренхиматоз) ва субарахноидал қон қуйилиши ҳисобланди.

Бош мияда қон айланишининг геморрагик турдаги ўткир бузилиши бўлган ва иккиламчи ишемия ривожланган 50 нафар (41,7%) бемор I гуруҳни, иккиламчи ишемиясиз геморрагик инсульт тасдиқланган 70 нафар (58,3%) бемор II гуруҳни ташкил этди.

Тадқиқот баённомаси қуйидагиларни ўз ичига олди: клиник-неврологик кўрув, шкалалар бўйича неврологик танқисликни баҳолаш, бош миянинг

мультиислайс компьютер томографияси (МСКТ), магнит-резонанс томографияси (МРТ), транскраниал доплерография (ТКДГ) ва рангли дуплекс сканерлаш (РДС).

Неврологик симптоматиканинг ифодаланганлик даражаси иккала гуруҳда ҳам беморлар шифохонага қабул қилинган кунда, касалликнинг 3-, 5-, 7- ва шифохонадан чиқариш кунларида баҳоланди. Бунинг учун эс-хуш даражаси – Глазго, неврологик танқислик даражаси – АҚШ Миллий соғлиқни сақлаш институти инсульт шкаласи (NIHSS, National Institutes of Health Stroke Scale), ногиронлик даражаси ва функционал ҳолатини – модифицирланган Рэнкин (mRS, modified Rankin Scale) ҳамда геморрагик инсультнинг ўткир даврида беморлар аҳволининг оғирлигини баҳолаш учун Хант-Хесс шкалалари бўйича баҳоланди.

Олинган натижаларга Microsoft Office Excel – 2010 дастурий пакети ёрдамида статистик ишлов берилди. Натижалар $p < 0,05$ бўлганда статистик аҳамиятга эга ҳисобланди.


Диссертациянинг **«Иккиламчи ишемия билан асоратланган геморрагик инсультли беморларда анамнестик, клиник-неврологик, нейровизуал, доплерографик ва лаборатор маълумотлар»** деб номланган учинчи бобида геморрагик инсультда иккиламчи ишемиянинг юзага келиш хавф омиллари, беморларда неврологик статус динамикасининг қиёсий баҳоси ҳамда клиник-нейровизуал ва доплерографик таҳлили келтирилди.

Тадқиқотда **анамнестик маълумотлар** орасида чекиш, II тип қандли диабет каби кўрсаткичлар ўрганиб чиқилди. ИИ билан асоратланган ГИ I гуруҳдаги беморлар узок чекиш стажи ва кунига кўп миқдорда сигарет чеккан беморлар II гуруҳдаги беморларга қараганда кўпчилиқни ташкил қилди. Шунингдек, I гуруҳда узок муддат қандли диабет ва инсулинталаб ҳолат мавжуд бўлган беморлар сони устунлик қилди. ГИда ИИнинг оғирлик даражасига никотиннинг мия томирлари деворига узок таъсири ($\chi^2=6,88$ $p < 0,05$) ва диабетик микроангиопатия ($\chi^2=7,64$ $p < 0,05$) таъсир кўрсатди.

Клиник-неврологик хусусиятлар таҳлил қилинганда геморрагик инсульт фонида ИИ ривожланишини артериал қон босими билан боғлиқлигини аниқлаш мақсадида қабул пайтида ва даволанишнинг 3–5 кунларида қон босими ва унинг динамикасини таҳлил қилинди. Қабул пайти ва динамикада юқори артериал қон босими кўрсаткичлари I гуруҳ беморларида кузатилиб, бу ГИда ИИ ривожланиш билан боғлиқ, II гуруҳда эса қабул пайтида ва 3–5 суткада ўртача систолик қон босими паст бўлиб, I гуруҳ билан статистик жиҳатдан сезиларли фарқ қилди ($t_{\text{Студент}}=4,3$ $p < 0,01$).

Қабул пайтида ва ўтказилган терапия фонида беморлар аҳволининг динамикасини объектив баҳолаш учун Глазго, NIHSS, Рэнкин, Хант-Хесс шкалаларидан фойдаланилди. Таҳлил натижаларига кўра I гуруҳда II гуруҳ беморларига нисбатан эс-хушнинг чуқур бузилишлари аниқланди. I гуруҳда эс-хуш даражаси Глазго шкаласи бўйича қабул пайтида ўртача $13,7 \pm 0,9$ баллни ташкил қилиб, даволанишнинг 3-кунида бу кўрсаткич $12,8 \pm 1,4$ гача тушиши кузатилди. Бу ҳодиса ИИ ривожланишининг натижаси бўлиб, у эс-хуш даражасининг пасайишига олиб келди. Олиб борилган терапия


натижасида 7-кунга келиб эс-хуш даражасининг тикланиши кузатилиб, Глазго шкаласи бўйича ўртача $13,9 \pm 0,9$ ва шифохонадан чиқишда $14,8 \pm 0,7$ баллни ташкил этди (1-расм).




1-расм. Глазго шкаласи бўйича эс-хуш даражасининг қабул пайти ва ўтказилган терапия фонидаги динамикаси.

NIHSS шкаласи бўйича баҳоланган неврологик танқисликнинг яққол ифодаланганлиги оғирроқ контингент сифатида I гурух беморларида устунлик қилди. Ушбу гуруҳда ўртача балл қабул пайтида $11,9 \pm 3,3$; 3-суткада эса ИИ кўшилиши натижасида неврологик танқислик кўпайиб – $12,4 \pm 4,9$; терапия фонида неврологик танқислик камайиб 7-суткада ижобий динамика – $10,4 \pm 4,7$ касалхонадан чиқишда – $8,7 \pm 4,8$ баллни ташкил этди. Умуман олганда, I гурух беморларида ўтказилган терапия фонида неврологик танқислик тикланиш тенденцияси кузатилди (2-расм).

Ренкин шкаласи бўйича аниқланган ногиронликни оғирлик даражаси ва функционал қарамлик I гурух беморларида яққолроқ ифодаланди. Бу гуруҳда қабул пайтида ўртача $3,0 \pm 0,6$; даволашнинг 3-кунида эса салбий динамика – $3,1 \pm 0,8$; 7-суткада – $2,7 \pm 0,9$; касалхонадан чиқишда – $2,6 \pm 0,9$ балл кайд этилди. Шундай қилиб, I гурух беморларида ногиронлик даражасининг камайиш тенденцияси кузатилди (3-расм).



2-расм. NIHSS шкаласи бўйича неврологик статус динамикаси.



3-расм. Ренкин шкаласи бўйича неврологик статус динамикаси.

Хант-Хесс шкаласи бўйича беморларнинг ҳолати таҳлил қилинганда I гуруҳ беморлари II гуруҳ беморларига нисбатан оғирроқ аҳволда касалхонага ётқизилганлиги маълум бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Хант-Хесс шкаласи мезонларига кўра I ва II гуруҳ беморларининг тақсимланиши

| Хант-Хесс шкаласи бўйича балл | I гуруҳ (беморлар сони) | | II гуруҳ (беморлар сони) | |
|-------------------------------|-------------------------|-----|--------------------------|-------|
| 1 балл | 0 | 0% | 14 | 20% |
| 2 балл | 20 | 40% | 26 | 37,2% |
| 3 балл | 25 | 50% | 29 | 41,4% |
| 4 балл | 5 | 10% | 1 | 1,4% |
| 5 балл | 0 | 0% | 0 | 0% |
| Жами беморлар | 50 | | 70 | |

Жадвалдан кўриниб турибдики, аҳволи ўта оғир беморлар I гуруҳда кузатилди, Хант-Хесс шкаласи бўйича 3 балл (I гуруҳдаги 50% беморлар) ва 4 балл (I гуруҳдаги 10% беморлар) билан баҳоланди. 1 балл билан баҳоланган ГИнинг минимал оғирлик даражасига эга беморлар II гуруҳда 20% ни ташкил этди, I гуруҳда эса бундай беморлар кузатилмади. Шунинг учун дастлабки геморрагик инсультнинг оғир шакллари кейинчалик ИИ ривожланиш маркерларидан далолат берди.

Геморрагик инсультли беморларнинг **компьютер томография (КТ)** таҳлилида унинг қуйидаги хусусиятлари ўрганилди: инсульт-гематома локализацияси (қоннинг мия устунига, мия ярим шарлари ёки миёчага қуйилганлиги) ва ҳажми, қуйилган қоннинг субарахноидал бўшлиқда, мия тўқимаси (паренхима) ёки мия қоринча тизимидалиги, мия ўрта тузилмалари дислокацияси ва унинг ўлчами, инсульт-гематома атрофида юзага келган гиподенс соҳани дифференциал таҳлили (аралаш инсульт, перифокал шиш ёки иккиламчи церебрал ишемия эканлиги).

I гуруҳдаги 50 нафар беморнинг 46 нафарида (92%) инсульт-гематома супратенториал, 4 нафарида (8%) эса инфратенториал жойлашуви аниқланди. Шунинг таъкидлаш жоизки, инсульт-гематома ҳажми инфратенториал жойлашувида 6–8 см³, супратенториал жойлашувида эса 8 дан 50 см³ гача ўзгарди. Мия қоринча тизимига 8 нафар (16%), субарахноидал бўшлиққа эса 17 нафар (34%) беморда қон қуйилиши ҳолати кузатилди. КТ маълумотларига кўра 17 нафар (34%) беморда субарахноидал бўшлиқда қон қуйилиш белгилари аниқланди. Ривожланиб борадиган инсульт-гематоманинг массив таъсири туфайли 5 мм дан ортиқ яққол дислокация синдроми 8 нафар (16%) ҳамда 5 мм гача кам ифодаланган дислокация синдроми 6 нафар (12%) беморда аниқланди. II гуруҳ беморларида юқоридаги инсульт-гематома мезонларини таққослаганда, унда кам ҳолларда субарахноидал бўшлиқ ва мия қоринча тизимига қон қуйилиш тенденцияси кузатилиб, кам ифодаланган дислокация синдроми қайд этилди (2-жадвал).

I ва II гуруҳ беморларининг қабул пайтидаги компьютер томографияси маълумотларига кўра инсульт-гематомалар характеристикаси

| Инсульт-гематома характеристикаси | I гуруҳ (n=50) | II гуруҳ (n=70) |
|--|---------------------------|----------------------------|
| Супратенториал жойлашув | 46 (92%) | 66 (94,3%) |
| Инфратенториал жойлашув | 4 (8%) | 4 (5,8%) |
| Мия қоринча тизимига қон қуйилиши | 8 (16%) | 10 (14,3%) |
| Субарахноидал бўшлиққа қон қуйилиши | 17 (34%) | 5 (7,1%) |
| Мия ўрта тузилмаларининг 5 мм гача дислокацияси | 6 (12%) | 5 (7,1%) |
| Мия ўрта тузилмаларининг 5 мм дан ортиқ дислокацияси | 8 (16%) | 0 |

Касалликнинг кечиши ва натижасига таъсир қилувчи қон қуйилишининг яна бир муҳим хусусияти инсульт-гематома ҳажмидир. Инсульт-гематомалар ҳажмига қараб беморлар тақсимооти I ва II гуруҳларда тахминан бир хил. I гуруҳда 5–10 см³ ҳажмли қон қуйилиши мос ҳолда 8 нафар (16%), II гуруҳда 10 нафар (14,3%), 11–20 см³ ҳажми 20 нафар (40%) ва 31 нафар (44,3%) беморда, 21–30 см³ ҳажмли 7 нафар (14%) ва 11 нафар (15,7%) беморда, 31–40 см³ ҳажмли қон қуйилиши мос ҳолда I ва II гуруҳларда 13 нафар (26%) ва 18 нафар (25,7%) беморда аниқланди. Максимал 41 дан 50 см³ гача ҳажмли инсульт-гематомалар фақат I гуруҳнинг 2 нафар беморида аниқланди.

Геморрагик инсультли беморларда **клиник-нейровизуал** кўрсаткичлар динамик таҳлил қилинганда касалликнинг клиник кечиши тўлқинсимон характерга эга бўлиб, бемор аҳволининг яхшиланиши билан бирга ёмонлашиш ҳолатлари ҳам кузатилиши аниқланди. Беморларда эс-хуш даражасининг пасайиши, ўчоқли неврологик танқисликнинг ортиши, менингиал белгиларнинг кучайиши кўринишидаги салбий динамика церебрал вазоспазм (ЦВС) оқибатида келиб чиқадиган ИИ деб ҳисобланди.

ИИ верификацияси учун даволанишнинг 3-, 5- ва 7-кунда кузатувдаги барча беморларда клиник-неврологик текширувлар, шунингдек, 3-5 кунда бош мия КТ текшируви қайта ўтказилди (3-жадвал).

Бош миядаги инсульт-гематома ва иккиламчи церебрал ишемия соҳаси верификацияси учун МСКТ усули қулай текширув усули ҳисобланади. Бирок қуйилган қон атрофида иккиламчи ишемия соҳаси аниқланмаганда T1, T2, FLAIR ва DWI режимларини ўз ичига олган МРТ текшируви ўтказилиши натижасида ривожланиб бўлган ишемия соҳаси аниқланди. Айнан DWI (diffusion weighted image – диффуз-ўлчамли тасвир) режими вазоспазм, церебрал томирларнинг эзилиши ёки бирор бошқа сабабларга кўра мия тузилмаларида ишемик жараёнларнинг ривожланишида қон оқими билан кирадиган сув молекулалари диффузияси пасайиши ва бу орқали мия тузилмаларининг ишемик шикастланиши бошланиши аниқлашда энг сезгир усул бўлди. МРТнинг бошқа режимлари (T1, T2, FLAIR) ишемик каскаднинг кечки босқичларида мия тузилмаларида морфологик ўзгаришлар ривожлангандагини информатив ҳисобланади.

I гуруҳ беморлари аҳволи 3-5 суткада оғирлашиши қайд этилди. Бунда 50 нафар беморнинг 15 нафарида (30%) Глазго шкаласи бўйича эс-хуш даражаси дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 1-2 баллга пасайиши кузатилди. 23 нафар (46%) беморда NIHSS шкаласи бўйича неврологик танқислик ўртача 4-6 баллга ошди.

3-жадвал

КТ ва МРТ текширувларига кўра касалликнинг 5-суткасида қон қуйилиш ва ИИ зоналарининг визуализация хусусиятлари

| Инсульт-гематома ҳажми | Қон қуйилиш зонаси кенгайган беморлар сони | Қабул пайтида ИГ ўрт. ҳажми, см ³ | 5-суткада ИГ ўрт. ҳажми, см ³ | Дислокациянинг ортиши | ИГ атрофидаги ИИ | ИГдан узоқда яқка ИИ зонаси | Бир нечта ИИ зоналари |
|---------------------------------|--|--|--|-----------------------|------------------|-----------------------------|-----------------------|
| 05–10 см ³ (n=8) | 0 | 8,2±1,6 | 6,9±2,2 | 0 | 8 | 0 | 0 |
| | | T _{Wilcoxon} =8 (p<0,05) | | | | | |
| 11–20 см ³ (n=20) | 0 | 15,4±3,2 | 13,9±2,9 | 0 | 19 | 1 | 0 |
| | | T _{Wilcoxon} =17 (p<0,01) | | | | | |
| 21–30 см ³ (n=7) | 3 | 29,4±1,0 | 30,7±5,9 | 0 | 3 | 2 | 2 |
| | | T _{Wilcoxon} =17 (p>0,05) | | | | | |
| 31–40 см ³ (n=13) | 6 | 35,7±3,3 | 36,8±5,0 | 3 | 3 | 7 | 3 |
| | | T _{Wilcoxon} =61,5 (p>0,05) | | | | | |
| 41–50 см ³ (n=2) | 2 | 47,5±3,5 | 52,5±3,5 | 2 | 0 | 0 | 2 |
| | | T _{Wilcoxon} =0 | | | | | |

Динамикада бемор аҳволи салбий томонга ўзгаргани туфайли бош мия КТ текшируви касалликнинг 3-5 суткасида қайта ўтказилди ва унда қуйидаги КТдаги муҳим хусусиятлар ўрганилди: инсульт-гематомаси ҳажмининг ортиши; дислокация синдромининг ортиши; инсульт-гематома атрофида ва ундан узоқда ишемик соҳаларнинг пайдо бўлиши.

Шунингдек, кичик ҳажмли инсульт-гематомада мия ўрта тузилмаларнинг дислокацияси кузатилмади, ИИ фақат инсульт-гематома атрофида ифодаланганлиги аниқланди. 31–40 см³ ҳажмли инсульт-гематома нафақат гематома атрофида, балки ундан узоқда бир нечта ИИ соҳаларнинг ривожланиши шаклида мураккаблашди ва мия ўрта тузилмаларининг дислокацияси билан асоратланди.


Ҳар доим ҳам инсульт-гематома атрофидаги гиподенс соҳа бир хил патологик соҳа бўлавермайди. Бу аралаш инсульт, перифокал шиш ёки иккиламчи церебрал ишемия бўлиши мумкин. Амалиётдаги шифокорга гематома атрофидаги ишемик соҳани интерпретация қила олиши жуда ҳам

муҳим ҳисобланади. Бу орқали керакли терапевтик ёрдам кўрсатиш тактикаси аниқланади (4-жадвал, 4-5-расмлар).


4-жадвал

Перифокал шиш ва ИИ ўртасидаги фарқлар

| Перифокал шиш | Иккиламчи ишемия |
|--|--|
| Перифокал шиш бу – инсульт-гематома атрофидаги патологик соҳа бўлиб, у бош мия паренхимасидаги майда томирларнинг эзилиши натижасида ривожланади | Иккиламчи ишемия бу – патологик соҳа бўлиб, у инсульт-гематомаси атрофидаги йирик қон томирлар эзилиши туфайли ривожланади |
| Перифокал шиш соҳаси адекват терапия жараёнида ва инсульт-гематомаси сўрилиши билан регрессирланади, неврологик танқислик бермайди | Иккиламчи ишемия соҳаси инсульт-гематома сўрилганда ҳам кўп ҳолларда сақланиб қолиб, неврологик танқислик келтириб чиқаради |
| Ноадекват терапия натижасида перифокал шиш соҳаси иккиламчи ишемия соҳасига айланиши мумкин. | Инсульт-гематома ва иккиламчи ишемия соҳаси кейинчалик ўз ўрнида кистоз-атрофик соҳа сифатида қолиб кетади |
| Перифокал шиш фақатгина инсульт-гематома атрофида юзага келади, ундан узоқда бир ёки бир нечта ҳолда кузатилмайди. Бу патологик ҳолат кичик ҳажмли бўлган инсульт-гематомада кўпроқ юзага келади | ИИ нафақат инсульт-гематома атрофида, балки ундан узоқда бир ёки бир нечта ҳолда ҳам келиши мумкин |
| Перифокал шишни алоҳида даволаш зарурати йўқ, чунки инсульт-гематомани адекват даволаш орқали бу патологик соҳа ҳам аста-секин йўқолиб боради | Иккиламчи ишемиянинг ўлчами ва юзага келган неврологик танқислик даражасига қараб алоҳида даволаш тактикаси танланади |
| Перифокал шиш эса инсульт-гематоманинг қарама-қарши томонида кузатилмайди. | Агар инсульт-гематома ҳажми катта бўлса, дислокацион синдром туфайли қарама-қарши ярим шарда йирик қон томирлар эзилишига ҳисобига ИИ юзага келиши мумкин. |



4-расм. Инсульт-гематома атрофида перифокал шиш.



5-расм. Инсульт-гематома атрофида иккиламчи ишемия.

Геморрагик инсульт кузатилган беморларнинг **клиник-доплерографик** натижалари таҳлил қилинганда инсульт томонда мия ўрта артериясида қон оқимининг чизикли тезлигини баҳолаш учун ТКДГ ва ички уйқу артериясида қон оқими чизикли тезлиги (ҚОЧТ) баҳолаш учун эса РДС усулларида фойдаланилди. Ички уйқу ва мия ўрта артерияларида ҚОЧТ бўлган ҳолда ЦВС оғирлик даражасини кўрсатувчи Линдегаард индекси ҳисоблаб чиқилди. Линдегаард индексининг 3,0 дан юқори бўлиши ЦВС кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

Субарахноидал бўшлиқда қон кузатилиши билан бирга кечган ҳолда инсульт-гематома ҳажми билан церебрал гемодинамика ва неврологик танқисликнинг оғирлик даражаси клиник параллеллари ўтказилганда қуйидагилар кузатилди: минимал ҳажмли (5–10 см³) инсульт-гематома бўлган 8 нафар бемордан атиги 1 нафариди (2%) субарахноидал бўшлиққа қон қуйилиши кузатилиб, бунда ҚОЧТ ўртача кўрсаткичи 135±20,7 см/сон., Линдегаард индексининг ўртача кўрсаткичи 3,1±0,2 ни ташкил этди ва бу церебрал вазоспазм минимал оғирлик даражасининг кўрсаткичи ҳисобланди. Неврологик танқислик динамикасида вазоспазмнинг бундай кўрсаткичлари бўлганда ўчоқли симптоматика регрессиясида барқарор тенденция кузатилди (Фридман дисперсион таҳлил, $\chi^2=11,8$ $p<0,05$).

Катта ҳажмли қон қуйилиши бўлган (21-30 см³, 31-40 см³ ва 41-50 см³) беморларни бирлаштирувчи хусусиятлар қуйидагилардан иборат: ушбу гуруҳларнинг барчасида фақатгина субарахноидал қон қуйилиш асорат ҳисобланиб, максимал равишда кичик ва ўрта калибрли артериялар спазмига олиб келадиган омил сифатида намоён бўлди, бунда ушбу асоратлар I гуруҳ беморларининг ярмидан кўпида кузатилди. ҚОЧТнинг ўртача кўрсаткичлари жуда юқори бўлиб, максимал кўрсаткич 155±7,1 га тенг бўлди ҳамда бу қон томир спазмининг оғирлик даражасини кўрсатди. ҚОЧТнинг юқори кўрсаткичлари Линдегаард индексининг ошишига сабаб бўлди – максимал кўрсаткич 3,6±0,2. Ушбу беморларнинг барчасида 3-суткада эс-хушнинг

пасайиши, менингиал белгиларнинг кучайиши ва неврологик танқисликнинг ортиши қайд этилди (5-жадвал).

5-жадвал

I гуруҳ беморларида қон қуйилиш ҳажмининг церебрал вазоспазм ва неврологик танқисликка боғлиқлиги

| Инсулт-гематома ҳажми | МҚТ га қон қуйилиши | САБ га қон қуйилиши | ЎМАда ҚОЧТ ўрт. кўрс., см/сон | Линде гаард индекс и ўрт. кўрс. | Қабул пайтида NIHSS | 3-суткада NIHSS | 7-суткада NIHSS | Шифо хонадан чиқишда NIHSS |
|---------------------------------|-------------------------|-------------------------|-------------------------------|---------------------------------|--|-----------------|-----------------|----------------------------|
| 5–10 см ³ (n=8) | 3 | 1 | 135±20,7 | 3,1±0,2 | 9±3,9 | 8,2±5,2 | 6,0±5,7 | 5,2±4,9 |
| | $\chi^2=1,25$ p>0,05 | $\chi^2=5,78$ p<0,05 | | | Фридман дисперсион таҳлили $\chi^2=11,8$ p<0,05 | | | |
| 11–20 см ³ (n=20) | 5 | 4 | 133±14,9 | 3,2±0,2 | 10,6±2,2 | 9,8±3,3 | 8,0±2,8 | 6,0±3,6 |
| | $\chi^2=0,51$ p>0,05 | $\chi^2=3,85$ p<0,05 | | | Фридман дисперсион таҳлили $\chi^2=23,6$ p<0,01 | | | |
| 21–30 см ³ (n=7) | 0 | 4 | 147,4±10,8 | 3,6±0,2 | 14,0±2,8 | 15,3±4,0 | 13,1±2,9 | 10,0±2,2 |
| | $\chi^2=0$ p>0,05 | $\chi^2=0,72$ p>0,05 | | | Фридман дисперсион таҳлил $\chi^2=7,6$ p<0,05 | | | |
| 31–40 см ³ (n=13) | 0 | 8 | 154,5±8,0 | 3,6±0,2 | 14,0±2,3 | 16,0±3,0 | 14,4±2,2 | 12,4±3,4 |
| | $\chi^2=0$ p>0,05 | $\chi^2=4,53$ p<0,05 | | | Фридман дисперсион таҳлили $\chi^2=6,8$ p>0,05 | | | |
| 41–50 см ³ (n=2) | 0 | 2 | 155±7,1 | 3,5±0,4 | 17,0±1,4 | 20±2,8 | 17,0±1,4 | 17,0±1,4 |
| | $\chi^2=0$ p>0,05 | $\chi^2=1,31$ p<0,05 | | | Фридман дисперсион таҳлили $\chi^2=1,3$ p>0,05 | | | |

Геморрагик инсултли беморларда ИИни ривожлантирувчи омил сифатида инсулт кузатилган ярим шарда церебрал гемодинамика ҳолатини баҳолаш мақсадида **экстракраниал артерияларни девияция ва стенозлаш** жараёнлари ўрганилди.

Экстракраниал артериялар стенози 0–20% бўлган I гуруҳдаги 6 нафар (12%) бемордан 3 нафар (6%)ида гемодинамик аҳамиятга эга эгилиш аниқланди. Бунда ИИ зонаси ўртача ўлчамлари бошқа кичик гуруҳларга нисбатан минимал бўлди: олд-орқа ўлчам – 25,7±5,8 мм, ён ўлчам – 24,7±2,8 мм, баландлик – 25,7±4,8 мм (r-Пирсон 0,16 енгил-ижобий, p>0,05).

I гуруҳ беморларининг кўпчилигида – 15 нафарида (30%) 21 дан 40% гача стеноз бўлиб, шундан 6 нафар (12%) беморда гемодинамик аҳамиятга эга девияция кузатилган. Шунинг ҳисобга олган ҳолда ИИ ўртача кўрсаткичлари 0–20% стенозли беморлар кичик гуруҳига нисбатан катта ўлчамга эга: олд-орқа – 26,3±7,6 мм, ён – 25,5±5,0 мм, баландлик – 26,1±6,9 мм (r-Пирсон 0,54 ўртача-ижобий, p<0,05).

Экстракраниал артериялар критик стенози 61–80% бўлган 13 нафар (26%) ҳамда 81% ва ундан юқори стенозли бўлган 5 нафар (10%) бемордан, ҳар бир гуруҳдан 3 нафардан (6%) беморда гемодинамик аҳамиятга эга девиация кузатилди. ИИ зоналари ўлчамига стеноз даражаси билан бирга қон томир девиацияси ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

